1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ХАЛҚ ВА ҲАЁТ

2020 йил 28 сентябрь, душанба ● № 18 (2662) ● Олтинсой туман ижтимоий-сиёсий газетаси ● Газета 1986 йил 1 майдан чиқа бошлаган

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ ҲОКИМИ АЛИШЕР ДЖУМАЕВНИНГ 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз устозлар!

Қадрли ўқитувчи ва мураббийлар!

Аввало, барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Дунёда шундай касб эгалари борки, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Сиз ўқитувчилар эса ҳаётимиз чироғбонларидир. Ким бўлмайлик, қайси соҳада ишламайлик, барчамизга муаллимлар таълим ва тарбия беришган.

Халқимизда "Устоз отангдек улуғ", деган сўз бор. Кимки бу ҳаётда бирор ютуққа эришса, касбидан эъзоз топса, унинг қалбида устозларига, биринчи ўқитувчисига бўлган ҳурмат абадий муҳрланади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг "Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, комил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги беқиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди", — деган сўзлари фикримнинг яққол тасдиғидир.

Қадрли устозлар!

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳалардаги сингари халқ таълими ҳамда мактабгача таълим тизимида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, замон талаби ва халқимизнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик тизимга ўтилиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари оптималлаштирилди. Ҳозирги кунда туманимизда 69 та умумтаълим мактаблари, 2 та касб-ҳунар мактаблари, 2та Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 1та "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази, 1та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият юритмоқда. Уларда бугунги кунда кўплаб фидоий педагог ва мураббийлар меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ ҲОКИМИ АЛИШЕР ДЖУМАЕВНИНГ ОТА-ОНАЛАРГА МУРОЖААТИ

ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли ва қадрли олтинсойлик ота-оналар!

Аввало сўзимнинг бошида сизларни азиз фарзандингиз ўрта таълим масканини битириб, улкан орзу-умидлар билан катта ҳаётга қадам қўяётгани билан чин дилдан қутлайман. Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси ва топшириқлари билан ёшларимизни чуқур билим ва малакага эга бўлган, етук ва баркамол шахс этиб тарбиялашга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу эзгу мақсад йўлида таълим тизимининг барча бўғинларида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Сизларнинг жондан азиз фарзандларингиз ҳам ўзининг эзгу орзу-мақсадларига эришиб, жамиятда муносиб ўрин топишига ишончимиз комил. Бу йўлда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш барчамизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Фарзандингиз тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртида таълим олишни мақсад қилиб, талабалик бахтига муяссар бўлса, унинг юқори малакали мутахассис бўлиб етиши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

(Давоми 2-саҳифада).

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5850-сонли фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда Олтинсой туманида 21 октябрь- Ўзбек тили байрами кунини кенг нишонлаш бўйича ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш бошлаб юборилган.

ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ

Жумладан, 2020 йилнинг сентябрь ва октябрь ойлари давомида тумандаги умумтаълим мактабларининг 7-9- синф ўқувчилари ўртасида "Она тилим-жону дилим" мавзусидаги онлайн иншолар танлови, шунингдек, тумандаги бахшилар ўртасида "Она тилим достон қилиб куйлайин" мавзусида онлайн бахшилар танловлари бўлиб ўтмоқда. Шу билан биргаликда тумандаги асосий кўчаларда ушбу тил байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида тарғибот баннерлари илинмоқда. Байрам муносабати билан тумандаги 10-14 ёшдаги ўқувчи-ёшлар иштирокида хонадонларда "Она тилим-фахру ифтихорим" мавзуларида ҳам тилимизни мадҳ этувчи шеърий онлайн танловлар ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида она тилимизга бўлган эътибор, ҳурмат янада ортиб боряпти.

Она тили ҳақида гап борганда, аввало, ҳар бир халқнинг ўзлигини намоён этувчи миллий ва умуминсоний қадриятлари бўлади. Масалан, тириклик учун тоза ҳаво билан қуёш нури, нону сув қанчалик ҳаётий зарурат бўлса, миллатнинг яшаши ва равнақ топишини ҳам она тилисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мустақиллигимиз йилларида яратилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлар натижасида ўзбек тилининг миллий ўзига хослиги, сўзга бой ҳамда тарихий илдизлари чуқур эканлиги янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

МУАЛЛИМ — МАТОНАТ ТИМСОЛИ

у меҳр – муҳаббат, эзгулик рамзи

Бугун биз ўз қалб қўрини, кўз нурини, меҳр – муҳаббатини, келажаги буюк юрт учун баркамол авлодларни – комил инсонларни тарбиялашдек масъулиятли вазифани зиммаларига олиб, бу олижаноб ишни шараф билан бажаришга бел боғлаган устозларимизни, муаллиму – мураббийларимизни қутлаб, эъзозлаймиз. Ўқитувчилик азал – азалдан эътиборли касб ҳисобланади. Дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида ўқитувчи – мураббийларга нисбатан Ўзбекистонимиздек эътибор қаратилмаган, эъзозланмаган.

Ўткир ОРИПОВ- Олтинсой туман халқ таълими бўлими мудири: ***Ў.Орипов узоқ йиллардан буён халқ таълими соҳасида меҳнат қилиб, эл орасида обрў-эътибор топган инсон. Бугунги кунда халқ таълими соҳасида кечаётган ислоҳотларни теран англаган ҳолда ёш авлодни замонавий технологиялар ёрдамида ўқитиш тарафдори. Айни пайтда эса тумандаги барча мактабларда ўқитиш ишлари босқичма-босқич карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу тадбирларга маорифчилар раҳбари Ў.Орипов доимо бош-қош.***

Мамлакатимизда Республика Президентининг Фармони билан 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Жамиятнинг бугуни ва эртаси, унинг маданий – маърифий – маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларнинг фидокорона меҳнатларига боғлиқ эканлиги барчамизга аён. Ўқитувчиликнинг кўп қиррали, сермазмун, мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, уларни илм-фан сирларидан бохабар этиш каби муҳим вазифалар ётади.

Очилди МАМАТҚОБИЛОВ —туман халқ таълими бўлими мудирининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича ўринбосари:

О.Маматқобилов узоқ йиллардан буён халқ таълими бўлимида турли лавозимларда фаолият юритиб келади. Берилган топшириқни ўз вақтида мукаммал бажариш унинг кундалик юмуши саналади.

Устоз деганда, ҳар биримизнинг кўнглимизда чуқур ҳурмат – эҳтиром ва чексиз миннатдорчилик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган улуғ зот – бу муаллим ва мураббийлардир. Бу буюк зотга халқимиз азалдан ҳурмат бажо этган. Қуръони Каримда: «Илмни берган ва юксалтирганларнинг икки дунёда ярлақаб, мартабалари улуғ қилинажак», — дейилган.

(Давоми 4-саҳифада).

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАДИ

Яқинда тумандаги 15-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг мажлислар залида туман ҳокими А.Джумаев ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Бобоқуловлар мурожаат билан келган фуқароларни қабул қилди.

Фуқаролар мурожаатлари билан бевосита алоқадор корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва мутасаддилар иштирокида эшитилиб, ҳар бир масалага ечим изланди.

Хусусан, Зардақул маҳалласидан келган фуқаро Зубайда Мисирова моддий ёрдам олиш борасида, "Чеп" маҳалласидан Менгсоат Ҳасанова уй-жойини таъмирлашда кўмак сўраб, "Қумпайкал" маҳалласида яшовчи фуқаро Мағзуна Ибодуллаева оилавий корхонаси учун жой масаласидаги мурожаатларига ижобий жавоб олганидан мамнун бўлишди.

Қабулга келган фуқароларнинг жойида ҳал этиш имкони бўлган мурожаат ва сўровлари шу ернинг ўзида ҳал этилиб, ўрганиш ва ҳал этиш вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан эса муддат белгилаб берилди.

Мухбиримиз.

Байрамга қурувчилар туҳфаси

БЕҒУБОР ФАРЗАНДЛАРГА – ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

Олтинсой туманининг "Мустақилликнинг 10 йиллиги" маҳалласида яшовчи болалар янги ўқув йилидан янги мактаб биносида ўқийдилар

Жорий йилги ўқув йилидан бошлаб туманнинг "Мустақилликнинг 10 йиллиги" маҳалласида янги 67-сонли умумий ўрта таълим мактаби очилиб, иш бошлади. Байрам арафасида Усан Ходжимуродов раҳбарлик қилаётган "Бунёдкор сайқали" қурилиш корхонаси жамоаси лойиҳа қиймати 1 миллиард 881 миллион сўмлик бинони қуриб фойдаланишга топширдилар.

Яқинда 210 ўринли мазкур янги таълим масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Олтинсой тумани ҳокими Алишер Джумаев, вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Илҳом Сафаров, Олтинсой туман Халқ таълими бўлими мудири Ўткир Орипов, мактаб ўқитувчилари, ота-оналар вакиллари қатнашди. Сўзга чиққанлар ўқитувчи ва ўқувчиларни янги мактаб билан табрикладилар.

Тадбирда маҳалла оқсоқоллари иштирокида алвон лента кесилиб, мактаб директори Хўшбоқ Абрайқуловга мактабнинг рамзий калити топширилди.

Таъкидлаш жоизки, илгари бу ерда "Мустақиллик 10 йиллиги" маҳалласидаги 13-мактабнинг фақат бошланғич синфлар учун мўлжалланган филиали мослаштирилган бинода фаолият юритарди.

Ота-оналарнинг истак ва мурожаатлари эътиборга олиниб, бир йил аввал мактабнинг янги биноси қурилишига ҳозирлик кўрила бошланганди.

Мактаб дастлаб 80 ўринга мўлжалланганди. Аммо бундан хабар топган ота- оналар бу ерда ўқувчилар кўплиги, имкони бўлса, мактаб биносини каттароқ қилиб қуриш кераклиги борасида туман ҳокимига мурожаат қилишди. Аммо бу пайтда қурилишга ажратиладиган маблағ аллақачон тасдиқланган эди.

(Давоми 2-саҳифада).

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ ҲОКИМИ АЛИШЕР ДЖУМАЕВНИНГ 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Боши 1-саҳифада).

Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорида таълим-тарбияни энг қуйи бўғин — мактабгача таълим муассасасидан бошлаш кераклиги алоҳида таъкидланди. Энг муҳими давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган қарори иш-лоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.Туманимизда 20та давлат мактабгача таълим ташкилотлари, 3та оилавий, 1та хусусий, 1та нодавлат, 3та давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасалари болажонларни ўз бағрига олишга тайёр ҳолда турибди.

Азиз юртдошлар!

Бизнинг асосий мақсадимиз дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборат. Ана шу вазифани сидқидилдан уддалайдиган билимли ва истеъдодли, ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлодни тарбиялаш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада Сиз фидойи ўқитувчи ва мураббийларнинг заҳматли меҳнатингиз ҳар қанча мақтовга лойиқ.

Ўқитувчи ва мураббийлар байрамида фарзандларимизга таълим-тарбия беришда алоҳида ибрат кўрсатаётган туманимиздаги пешқадам касб соҳибларининг ҳар бири алоҳида ҳурмат-эътиборга лойиқ инсонлардир.

Ҳурматли ўқитувчи ва мураббийлар!

Бундан кейин ҳам фарзандларимизга замонавий илм-фан ва касб-ҳунар асосларини ўргатиш, юксак инсоний туйғу ва фазилатларни сингдириш, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни асраб-авайлаш борасида бор куч-ғайратингиз, билим ва маҳоратингизни аямасдан астойдил хизмат қилишингизга ишонамиз.

Сиз борсизки, ҳаётимиз нурафшон, эртанги кунимиз — фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ. Фарзандларимиз чеҳрасидаги нур — бу тинчликнинг нури. Озод диёримиздаги шу осуда, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин. Пандемия офатидан барчангизни Оллоҳнинг ўзи асрасин. Сиз ўқувчи ва болажонларингиз ҳузурига — синф хоналарга ҳамиша чеҳрангизда ишонч ва табассум билан кириб боринг!

Сизларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу-барака тилайман.

Байрам муборак, азиз устозлар!

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ ҲОКИМИ АЛИШЕР ДЖУМАЕВНИНГ ОТА-ОНАЛАРГА МУРОЖААТИ

ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

(Боши 1-саҳифада).

Олтинсойлик ёшлар орасида олий ўқув юртларига ҳужжат топширмаган ёки тест синовларида етарли балл тўплай олмаган йигит-қизларни иш билан таъминлаш кафолатини шахсан мен ҳудуд раҳбари сифатида ўз зиммамга оламан. Шу мақсадда махсус "Ёшлар дафтари" асосида ҳар бир ёшнинг меҳнат фаолияти шахсан менинг назоратимда бўлади.

Таъкидлашим керакки, фарзандларимизнинг хоҳиш ва истакларига қараб, уларнинг профессионал таълим муассасаларида талаб юқори бўлган касб ва мутахассисликларга эга бўлишлари учун барча имкониятларни сафарбар этамиз.

Шунингдек, мабодо фарзандингиз хорижий мамлакатларда ишлаш ниятида бўлса, давлатимиз томонидан Мудофаа вазирлиги тизимида йўлга қўйилаётган янги тартибга кўра, улар учун қисқа муддатларда замонавий касб-ҳунар эгаллаш ва хорижий тилларни ўрганиш имконияти яратилади.

Бунинг натижасида фуқароларимизни чет давлатлардаги компанияларга махсус тайёрловдан ўтган ва марказлашган ҳолда ишга юбориш, уларнинг ўз меҳнатига яраша муносиб ҳақ олиши ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари кафолатли таъминланади.

Муҳим жиҳати шундаки, хорижда ҳалол меҳнат қилиб, даромад ортирган ёш мутахассисларимиз ва уларнинг оилаларига юртимизда имтиёзли ипотека кредитлари асосида замонавий уй-жойлар қуриб берилади.

Ҳурматли ва азиз ота-оналар!

Сизларни Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган соғлом ва билимли фарзандни тарбиялаб камолга етказганингиз билан яна бир бор табриклаб, ўғил-қизларимизнинг жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун маҳаллий ижро органи раҳбари сифатида мен ҳам масъул ва жавобгар эканимни алоҳида таъкидламоқчиман.

Туманнинг биринчи даражали раҳбари сифатида Сизларни ишонтириб айтаманки, туманимиз ёшларининг билим олиши, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, ишга жойлаштириш ва уй-жой билан таъминлаш ҳамда ўз бизнесларини йўлга қўйиши борасида биргаликда ҳаракат қилиб, сизлар билан бамаслаҳат иш олиб борамиз.

Бундан кутилган мақсадимиз, келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизни, уларнинг ҳурматли ота-оналарини рози қилишдан иборат.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизни ҳамкорликка чақираман!

ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ

(Боши 1-саҳифада).

Лекин баъзан тилимизни соф туркийча қиламиз деб ҳаммага тушунарли бўлган байналмилал сўзларни ҳам ўзбекчалаштиришга уриниш ҳоллари учрамоқда. Масалан, баъзан ёзма ва оғзаки нуткда самолёт сўзи ўрнига "тайёра", институт ўрнига "олийгоҳ", туман ўрнига "ноҳия" каби талаффузи оғир сўзларнинг ишлатилаётганига дуч келамиз. Бунинг ўрнига тилимизнинг асл бойликларини кўпроқ ўрганиш муҳим. Айниқса, Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби мутафаккир-шоирларимиз ва Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ва Миртемир сингари улуғ адибларимизнинг ранг-баранг тили, халқчил ва сержило услубини чуқур ўрганиш маънавиятимизни ҳам, нутқ ва тафаккуримизни ҳам беҳад бойитади.

Миллий тил ва унинг равнақи йўлида ғамхўрлик қилиш бир гуруҳ мутахассисларгагина тегишли илмий-амалий соҳа ёки мавсумий бир тадбир эмас. Аксинча, бу авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб ва сайқалланиб келаётган халқ тилининг софлиги ва истиқболи ҳақида қайғуриш, она тилининг тўлақонли яшаш ҳуқуқи учун, миллат маънавияти, маърифати ва маданияти учун курашдир. Бу энг улуғ муҳорабадир.

Бу жиҳатдан Алишер Навоий ижоди ва фаолияти барча авлодларга юксак намуна. Буюк мутафаккир "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида бу муҳим муаммо хусусида шундай ёзади: "Халқ орасидан чиққан истеъдод аҳли салоҳият ва қобилиятларини ўз тиллари турганда ўзга тил билан зоҳир қилмасалар ва ишга солмасалар эди. Агар иккала тилда ижод этиш қобилиятлари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ёзсалар эди". Навоий ҳақиқий миллатпарвар шоир сифатида ўзбек тили ва адабиётимизнинг нечоғлик бой, ранг-баранглиги ва чексиз имкониятларини бутун ижоди ва серқирра фаолияти билан исботлаб, унинг нуфузини жаҳон миқёсига олиб чиқди.

Ф.ОРИПОВ,
туман ҳокими маслаҳатчиси.

БЕҒУБОР ФАРЗАНДЛАРГА – ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

(Боши 1-саҳифада).

Шунда туманимиз ҳокими Алишер Джумаев мактаб биносини 210 ўринли қилиб кенгайтириш учун зарур бўлган маблағни Олтинсой туманининг ўз маблағидан, яъни маҳаллий бюджетдан ажратишга қарор қилди.

Бундан қишлоқ аҳли, ота-оналар ва ўқувчилар чексиз хурсанд бўлдилар. Ахир уларнинг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқди. Ҳар бирининг тилидан олиб борилаётган ишларга миннатдорчилик туйғулари ва сўзларини тинглайсиз.

- Халқимиз фаровонлиги ва ижтимоий ҳаётининг яхшиланиши борасидаги ишлар учун ҳукуматимизга минг раҳмат, - дейди ота-оналардан вакил Ориф Нуралиев. – Қишлоқда мактаб қурилиб, ўқувчиларнинг манзили яқин бўлди. Муаммоларга ечим топилди. Элпарвар инсон сифатида танилиб қолган туманимиз ҳокими Алишер ака Джумаевнинг қурилишга қўшган ҳиссаси натижасида синфхоналарнинг янада кўпайганлиги нур устига аъло нур бўлди. Маърифатга, маънавиятга сарфланган маблағ ўзини оқлайди. Эл манфаатини ўйлаш шунчалик бўлар. Қишлоқ кексалари ҳокимимизни дуо қилаяпти.

- Илгари филиал биносида фақат бошланғич синфлар ўқитиларди, - дейди мактаб директори Хўшбоқ Абрайкулов. – Янги бино қурилгандан сўнг мактабимизда синфлар сони кўпайиб, 6тадан 14 тага етди. Мактаб 11 йиллик мактабга айланди. Бу йил 36 нафар бола 1-синфга қабул қилинди. Биз ўқитувчилар бу ишончни оқлаймиз. Насиб бўлса, мактабимиздан вилоят ва республика миқёсидаги танловлар голиблари етишиб чиқади.

Янги мактаб жаннатмакон юртнинг беғубор фарзандларига Мустақиллик туҳфаси бўлди. Биз ҳам "Мустақилликнинг 10 йиллиги" маҳалласи аҳлини янги зиё маскани билан муборакбод этамиз.

Ўз мухбиримиз.

"Ватанпарвар" ўқув спорт-техника клуби фаолиятидан

КАСБГА МАСОФАВИЙ ТАРЗДА ЎҚИТИЛМОҚДА

Осойишта ва бахтли умр кечирмоқ дегани кутилмаган кўнгилсизликлардан йироқ бўлиш демакдир

Ҳар биримиз ҳар куни кўчада ҳаракатланамиз. Ана шунда, Худо кўрсатмасин, агар ҳайдовчининг хатосига, бир зумлик эҳтиётсизлигига дуч келиб қолсак, у ёғини тасаввур қилиш қийин. Ахир темирнинг олдида инсон тани гулдан нозик.

Йўлда транспорт воситасини бошқарадиган шахслар минг карра эҳтиёткор бўлиши, қоидаларни бузмаслиги барчамиз учун бирдай зарур десак хато бўлмайди.

Шу боисдан ҳар бир ҳайдовчи энг аввал йўл қоидасини мукаммал билиши, халқ ибораси билан айтганда, "Ўқиб ҳужжат олган" бўлиши керак.

Бунинг учун бугунги кунда туманимизда барча шарт-шароитлар бор.

Олтинсой туман "Ватанпарвар" ўқув спорт-техника клуби "Оқарбулоқ" маҳалласида жойлашган. Хоҳловчилар бу ерда "В" ва "ВС" тоифалар бўйича ҳайдовчилик курсларида ўқитилмоқда.

Энг катта янгилик шуки, ҳайдовчилар тайёрлаш курслари масофадан ўқитилишга ўтди. Амалиёт дарслари эса "Бир ҳайдовчи — бир курсант" тизимида ўтилмоқда.

Айни пайтда ташкил этилган 3та гуруҳда 25 нафардан жами 75 нафар автоҳаваскорлар автомобиль бошқаруви бўйича фанлардан сабоқ олишмоқда.

Ташкилотда 3 нафар ўқитувчи устозларнинг барчаси олий маълумотли, ўз касбининг билимдонлари.

Клубда касбга ўргатиш жараёни айни пайтда тўла замонавийлаштирилган. Энг аввало техника воситалари ҳақида таъкидлаш ўринли бўлади.

Мурод Абдуназаров раҳбарлигидаги мазкур жамоа аъзолари энг аввало клуб базасини янги автомобиллар билан бойитишга қарор қилишди.

Излаган имкон топади, деганларидек, ҳар йили битта янги автомобиль сотиб олишмоқда. Пандемия ҳукм сурган 2020 йилнинг 5 ойи давомида ҳам бу анъанадан чекинишгани йўқ, яна бир замонавий "Нексия-3" автомобили сотиб олишди. Натижада ўқув юртининг автомобиллари сони 8тага етди. Бу борада у турдош ташкилотлар орасида туманда биринчи ўринда туради.

Мураббийлар Дилшод Аҳмедов, Ислом Алиёров, Мақсуд Мамарайимовлар ўз касбининг усталари саналади.

Айни пайтда касб таълими Автоматлаштирилган электрон кўлланма Дастури асосида олиб борилмоқда. Бунда ҳар бир курсантнинг телефонига дастур уланади ва унинг вазифа ва топшириқларни бажариш натижалари республика "Ватанпарвар" ташкилоти компьютерларида ҳам акс этиб туради. Курсантлар Зойлик онлайн таҳсилдан сўнг график асосида бир кунда 10 нафардан бўлиб имтиҳонга келади. Бир йилда 500 нафар киши ўқитилмоқда.

Ташкилотнинг обрўси, имиджи йил сайин ошиб бораяпти. Бунинг боиси, нафақат моддий техника базасининг кучайтирилганлиги, балки таълим сифатининг ошганлиги билан изоҳланади. Гап шундаки, замон тезлашаяпти, эндиликда ҳайдовчиликка ўқитаётган муассасаларнинг иши натижадорлиги бўйича ҳам таҳлил ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Бугунги кунда аввалгидай курсни тамомлади, ҳужжатни олиб кетди, дегани ўтмайди. Ўқитиш муассасалари ўзлари ўқитган ҳайдовчиларнинг келгусидаги фаолияти учун ҳам сўраб-суриштирилмоқда. Айни пайтда йўл-транспорт ҳодисаси содир этган қоидабузар ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни қайси муассасадан олганлиги ҳам қайд этилмоқда. Бу эса ўз- ўзидан таълим сифатини ошириш, ўқувчилар билан сидқидилдан ишлашга омил бўлиши шубҳасиз.

- Минг шукурки, шу пайтга қадар муассасамизни битирган бирорта ҳам ҳайдовчи оғир оқибатларга олиб келган авария содир этмади, - дейди биз билан суҳбатда туман "Ватанпарвар" ўқув спорт-техника клуби бошлиғи Мурод Абдуназаров. - Биз бундан қувонамиз ва ишимизга янада жиддий эътибор қаратамиз. Мақсадимиз, йўлларда фалокатлар содир бўлмасин, автомобиллар одамларнинг манзилини яқин, юкини енгил қилишга хизмат қилсин.

А.ОДИНАЕВ,
"Халқ ва ҳаёт " мухбири.

ЎРМОН – БУ ЭКОЛОГИЯ, ҲАЁТ ДЕМАКДИР

Ҳрмон инсон учун табиатдаги энг фойдали бойлик манбаи. Шуни таъкидлаш керакки, ўрмоннинг инсонга берадиган туҳфалари бениҳоя катта . У турли-туман фойдали ҳайвон ва паррандалар, ёввойи мева ва замбуруғлар, қимматли мўйналар, касалликларни даволайдиган ўт – ўланлар армуғон этадиган ҳамда сув мусаффолиги ва тоза ҳавони сақлайди ва халқ хўжалигининг ривожланишида улкан ҳисса қўшади. Шу билан бирга у ҳаво ва тупроқ ҳароратини мувозанатга келтириб туради, далаларни қуруқ, иссиқ шамоллардан ҳимоя қилиб, тупроқнинг бузилишини олдини олади.

ғадимги Римнинг машҳур жамоат арбоби Цицерон "Ҳрмонларни йўқотувчи кишилар жамиятимизнинг душманидир" деган эди.

Яшил дунё инсон ҳаёти учун нақадар аҳамиятли эканини чукурроқ ўрганиш мақсадида айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Ёзда бир ўрмон бир кечаю-кундуз давомида 220-275 килограмм карбонат ангидрит газини ўзлаштириб, 180-215 кислородни ажратади, бу миқдор 480-500 кишини ўн соат давомида кислород билан таъминлашга етади. Тўртта дарахт бир кишининг бир кеча-кундузга кислородга бўлган эҳтиёжини қондира олади.

Ҳрмон бойлигининг яна бир хусусияти шундаки, у табиатга сув режимини тартибга солиб турувчи,- тупроқни, сув, шамол эрозиясидан сақловчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ҳзбекистонимизда ҳам ўрмончилик ривожланган бўлиб, ўрмонзорлар 5,4 млн. гектарга тенг. Шундан 2 млн. 192 минг гектари бевосита ўрмонлардир. Бу эса Республикамиз худудининг 5,7 фоизини ўз ичига олади. Бу ўрмонлар асосан тоғларда, водий ва саҳроларда жойлашган. Тоғларда асосан наъматак,зирк, бодом, писта , ёнғоқ ,тоғ олча, дўлана, арча ва бошқалар ўсади. Кейинги пайтларда инсон ўзининг яшаш шарт-шароитини яхшилаш учун ўрмонлар, дарахтзорларни ҳеч аямасдан қирқадиган бўлди. Эътибор беринг, биз ўрмон ва дарахтларга қанчалик боймиз-у лекин, у кундан-кунга инсоннинг жабрига учрамоқда, камайиб кетмоқда.

Шундай экан, касб-коридан қатъий назар, ҳар бир киши юртимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган ўрмонлар ҳолатининг яхши сақланишига ўзининг ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Б.АБДУРАИМОВ,
тумандаги 42-мактабнинг география фани ўқитувчиси.

АНА ТУБИДАГИ ТУҒЁНЛАР

Ўлсам кафанимни қоғоздан тикинг,
Тобутимни эса ясанг қаламдан.
Қабрим бошида ҳам шеъримни ўқинг,
Сўз айтиб кетмоқлик бахт бу оламдан.

Зулфия Менгтошева.

Қўлимда марҳум акажоним Жўра Қодиров ижод қилган қалам. Уни аввайлабгина ушлайман. Оҳ бунчалар оғир экан ёднома ёзмоқ. Нақадар оғир, айниқса жигаринг ҳақида нимадир ёзмоқ жудаям оғир бўларкан. Шу йил 16 август куни уйимизга келган акам турмуш ўртоғим билан шахмат ўйнашди, кеч оқшомгача гурунглашишди. Шунда акам деди:

— Холдона синглим, ёзмасам туролмайман. 13 кунда сермаҳсул ижод қилдим. Иккита китобни ёзиб тугатдим. Бири газетамиз Бош муҳаррири Нормурод Темиров ҳақида "Машаққатли йўл" деб номланган ҳужжатли бадиий қисса. Иккинчиси ҳам нуфузли бир ташкилот раҳбарининг ҳаёт йўли ҳақида. Н.Темиров ҳақидаги китобим ўзимизнинг "Халқ ва ҳаёт" газетасида бериб борилаяпти.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, мен газетада акам ёзган китобдан берилаётган парчани ва акамнинг таъзиясини бирга ўқидим. Бир гуруҳ дўстлари ва "Халқ ва ҳаёт" газетаси ижодий жамоаси томонидан ёзилган ушбу некрологда акамнинг ҳаёт йўли ва ижоди ҳақида маълумотлар берилган экан.

Акам доимо менга "ака таянч бўлса, сингил тиловчидир",дегич эди. Болалигимизда акам Жўра Қодиров онамиздан ажралиб қолганимизда икки синглимни боқишим керак, деб олийгоҳдаги ўқишини сиртқисига алмаштирган эдилар.

Акамни сўнгги манзилга кузатаётганимизда фахрий журналист Хосият Аҳмадқулова, шоира Зулайҳо Иброҳимовалар акам амалга оширган ишлар, унинг ижодкорлигини айтиб йиглашди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг рафиқаси Масъума Аҳмедова Тошкентдан акамникига ташриф буюрганларини, Масъума опанинг акамнинг Тоғай Мурод ҳақидаги ёзганлари ҳақидаги миннатдорчилигини айтишди. Масъума Аҳмедова айтибди: Жўра Қодиров Тоғай Муродни элга танитди. Унинг руҳини шод этди. Акам не ёзса борича ёзарди. Устига онамдан қолган гилам ёзиғлиқ хонтахтада ижод қилган акам дабдабани хушламасди. Ўзига хос услуби бор эди. Оддий сўзлар замирида пайдо бўлган асарларини шунинг учун ҳам кўпчилик севиб ўқирди. Акамнинг қўлида тарбияланиб, ҳаётда кам бўлмадик. Рўзғорнинг қийинчиликлари, камчиликлари бари-барисига чидашни ўргатганди. Бу ҳаётда бизга қўл келди. Акам Ж.Қодировнинг "Онам излари" ҳикоясини ўқиганимда мисоли онам ёнимда тургандек бўлади, мен онамдан куч ва қувват оламан. Акам ёзгандилар: "Аё биродарларей, туртина-туртина, сурина-сурина бойчечакдек ерни ёриб чиқдим, Ерни тирнай-тирнай машаққат билан гулладим.Гулларим-болаларим бўлди. Улар Шуҳрат, Шаҳло, Ҳайитой, Шоҳида, Моҳидил ва Мусалламлар бўлди. Қирқ икки йиллик қадрдоним, сирдошим ва рафиқам Гулноройлар бўлди. Гулларим- очилди, икки муштипар сингилларим-Холдона ва Ойдоналар бўлди. Гулларим- қалбим мулки-китобларим бўлди. Гулларим-шогирдларим, даврадошларим, синфдошларим бўлди.

ЁДНОМА

Газеталарни варақларканман, акамнинг оиласига, қариндошларга билдирилган таъзияларни бирма-бир ўқийман. "Халқ ва ҳаёт", "Денов овози" , "Чағониён" газеталари ижодий жамоалари ҳамда Денов туман ҳокимлиги маънавият ва маърифат бўлинмаси жамоалари. Буларни кўриб, чин кўнгилдан раҳматли акам Жўра Қодировдан фахрланаман, бир томондан эса акамнинг бўзлатиб кетгани юракка армон солади. Ҳа, акам ана шундай ажойиб ижодкор инсон эдилар.

Холдона ҚОДИРОВА,
Мўминқул қишлоғи.

ОДАМ САВДОСИ—ДАВР МУАММОСИ

Ҳозирги кунда ўз манфаатларини кўзлаб сизга чет давлатида иш ва турар жой топиб беришни ваъда қилиб, лекин боргандан кейин паспорт ва бошқа ҳужжатларингизни олиб қўйиб, сизни бошқа одамларга қулликка сотиб юбораётган шахслар ҳамон учраб турибди. Агар сиз ишлашга ёки ўқишга қонуний йўл орқали борсангиз, ҳуқуқларингиз паймол бўлиши ҳолатларининг олдини оласиз.

Бунинг учун сиз энг аввало Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига мурожаат қилинг. Агар сиз ушбу агентликнинг рухсатномаси билан меҳнат шартномаси асосида чет элга кетсангиз барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғурта кўрсатилади. Агар чет давлатларга меҳмонга, дам олишга, даволанишга, ишлаш учун ёки бошқа мақсадларда бормоқчи бўлсангиз, аввало сизни хорижга жўнатаётган шахслар ёки фирмаларнинг фаолияти қонунийлигини аниқланг. Сиз жўнаб кетаётган мамлакатнинг тартиб қоидаларини билишингиз ва риоя қилишингиз зарур. У ерда сиз учун иш ва турар жой ҳақиқатдан мавжуд эканлигини аниқланг. Бошқа давлатга боргандан кейин у ердаги ҳолатингизни қонунийлаштириб олинг, чунки у ерда вақтинчасиз.- Энг муҳими паспортингиз ва бошқа ҳужжатларингизни ҳеч кимга берманг! Ҳеч ким уни сиздан олиб қўйиш ҳуқуқига эга эмас. Чунки паспорт Ўзбекистон Республикаси мулкидир. Сизга маслаҳатимиз ҳеч қачон сохта ҳужжатлар билан давлат чегараларини кесиб ўтишга ҳаракат қилманг. Чегарани бузиш бу оғир жиноятдир, агар сизнинг ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хорижда бўлсангиз Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатдаги элчихонаси ёки ваколатхонасига мурожаат қилинг. Агар сиз чет эл фуқароси билан никоҳ қурмоқчи бўлсангиз, сизга никоҳ қайд қилишни таклиф қилган инсонни яқиндан билишга ҳаракат қилинг. Энг аввало унинг дунёқараши тўғрисида ўйлаб кўринг. Сизни нима мақсадда олиб кетаётганлигини аниқланг.

Азиз ватандошлар, ҳаётда адашмаслик нохуш ҳолатларга тушиб қолмаслик, қарам бўлмаслик, қоларверса бошқаларнинг қурбонига айланмаслик учун огоҳ бўлинг!

Турон БЕРДИМУРАТОВ,
Олтинсой тумани прокурори.

ОҒРИҚЛИ НУҚТА

уни бартараф этишда ҳамкорлик зарур

Бугунги кунда одам савдоси – глобал муаммолардан бири бўлиб, бу муаммо билан кўпчилик давлатлар юзма –юз келмоқдалар.

Одам савдоси дунё ҳамжамияти олдида турган энг жиддий муамммолардан бири бўлиб ҳар йили минглаб эркак, аёл ва болалар тури давлатлар чегараларини босиб ўтиб, бевосита ёки билвосита қилинадиган зўрлик ёки унинг таҳдиди остида савдо ва эксплуатациянинг объекти бўлиб қолмоқдалар. Одам савдоси бугунги кундаги трансмиллий уюшган жиноятчилик турларидан бири бўлиб, ушбу жиноят чегара ва худуд танламайди. Шаҳвоний максадларда эксплуатация қилиш, мажбурий меҳнат, болалар меҳнатини эксплуатация қилиш, тиланчилик, донорлик органларининг қора бозори – буларнинг барчаси битта жиноят — одам савдосининг оқибатидир. Одам савдосини юзага келишидаги омиллардан бири шундан иборатки, одам савдогарлари аввал бошиданоқ қурбонларнинг хорижга кетиш орзусидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Уларни бу йўлда алдайдилар, дарҳол ўз назорат остига олишга ҳаракат қиладилар, ҳамкорлик қилишга ваъда берадилар. Натижада эса алданган курбонлар ўзлари хоҳламаган бутунлай бошқа минтақада, бошқа давлатда пайдо бўладилар. Одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилишнинг яна бир ижтимоий хавфли томони шундаки, бу жиноий харакатлар нафақат бир давлат ҳудудидаги жиноий гуруҳларнинг балки халқаро жиноий уюшмаларнинг фаоллигини оширади. Одам савдоси жиноятининг изчил, қисқа вақт ичида кичик ва тарқоқ ҳолдаги жиноий гуруҳлар ихтиёрига ўта жипслашган халқаро жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар ихтиёрига ўтади хамда тармоққа айланган тарзда халқаро уюшган жиноятчиликнинг ўсиши билан ҳам боғлиқ деб таъкидлайди. Бугунги кунда одам савдосига қарши кураш борасида нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси хисобланади. Бундай жиноятларнинг келиб чиқишини олдини олишда аҳолини ҳуқуқий маданияти ва онгини юқори бўлишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир вазифаларни янада жадаллаштирилиши лозим. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара беради.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,
Олтинсой туман ИИБ терроризм ва экстремизмга қарши курашиш гуруҳи ходими.

«101» огоҳ этади

ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЁНҒИНДАН САҚЛАНГ

Миллий ифтихоримиз бўлган пахтамиз оппоқ бўлиб очилди. Деҳқонларимизнинг йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнатлари самараси бўлган пахтанинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмасдан йигиб териб олиш ва пунктларга етказиб бериш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Пахтани йиғим-терими мавсумида нобудгарчиликка йўл қўймаслик билан бир қаторда ёнғиндан сақлаш ҳам муҳим ўрин тутади. Хўш пахтани ёнғиндан сақлаш учун нималарга эътибор қилиш керак.

Аввало, пахта қуритиладиган хирмонлар бирламчи ёнғин ўчириш анжомлари (иккита челак, иккита ОП-10, қум, иккита белкурак, иккита илгак, ҳажми 200 литрдан кам бўлмаган сув бочка, 2х2 ўлчамли наматлар) билан таъминланган бўлиши шарт.

- Пахта ташийдиган транспорт воситаларининг тутун чиқариш қувурлари учқун сўндиргичлар билан жиҳозланиши, двигателларидан мой томчиламаслиги, пахта юкланадиган тиркамалар устига шолча ёки бризент ёпилиши лозим.

- Пахта хирмонлари атрофида ёш болаларнинг ўйнаб юришига рухсат бермаслик керак, техникалар пахта хирмонларидан 100метр узоқликда таъмирланиши керак.

- Пахта ортган тиркамаларга одам миндириш таъқиқланади, транспортларнинг электр тизимлари яхшилаб уланган бўлиши шарт.

- Пахта далаларида ва пахта хирмонлари атрофида чекиш, очиқ олов қўллаш, таом тайёрлаш ман қилинади.

Шу билан бирга пахта теримига ёрдамга келаётган ҳашарчиларнинг вақтинча яшаш жойлари ҳам ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига мос ҳолатга келтирилган бўлиши керак, қутқарув йўллари очик бўлиши, электр тизимлари таъмирланган бўлиши шарт.

Ҳурматли пахтакорлар! Ана шу оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсангиз миллий ифтихоримиз бўлган «оқ олтин»имизни ёнғиндан асраган бўламиз.

Биз ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари Сизларга юксак хирмонлар уюшда куч-қувват тилаймиз.

У.ХОЛИҚОВ,
Олтинсой туман ФВБ ПБ инспектори, катта сержант.

ТОКЗОРЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯЛИАШ

Мамлакатимиз шароитида ток ўсимлигига асосан зараркунандалардан узумхўр қурт, ун ғуборли ток қурти тоголди минтақаларда кравчик қўнғизи; касалликлардан оидиум, антракноз, бактериал рак ва қисман хлороз касаллиги жиддий зарар келтиради.

Мутахассис маслаҳати

Узумхўр қурти (узум куяси, шингил қурти) узум тўпгули, тугунча, ғўра ва етилиб келаётган ғужум билан озиқланади. Бунда ток ҳосилининг ярмидан кўпроғи чириб кетади сақлашга ва бозорга олиб боришга ярамайди. Шингил қурти мавсумда тўрт авлод бериб ривожланади. Кўкламда капалаклар ток шўрасида тўпгуллар шаклланганда учади ва ғунчаларга тухум қўяди. Иккинчи авлод капалаклари учиши ток гуллагандан 17–20 кун ўтгач бошланади. Учинчи авлодни берувчи капалаклар июлнинг иккинчи ўн кунлигида учиб чиқиб тухум қўя бошлайди. Муддатларни аниқлашда феромонли тутқичлардан ҳам фойдаланса бўлади. Кураш чоралари. Узумхўр қуртининг зарарини камайтириш учун шўра хомток, ғўра хомтоклар ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши новдалар чеканка қилиниб барглар сийраклаштирилиши керак.

Кураш чораларини амалга ошириш зарурати туғилса, кузда ёки эрта баҳорда куртаклар бўртиш олдидан ток туплари 0,2 фоизли Данитол (10 л сувга 20 г) билан жиққа қилиб пуркалади. Золон ёки Карбофос (10 л сувга 30 г) препаратлари ёки тамаки қайнатмасидан ҳам фойдаланса бўлади. Кравчик (Хумбош) қўнғизи серсув ўсимликлар, шу жумладан, токнинг кўкламги барра новдалари билан озиқланади. Битта қўнғиз 4 тадан 12 тагача кўк новдани қирқиб ташлайди. Тоғли ва тоғолди минтақаларда зараркунанда анча тарқалган. Кравчикнинг зарарлик даври 15–20 кун бўлган баҳорги тури ток тупи учун энг хавфли ҳисобланади. У кенг тарқалган жойларда ҳосилдорлик 60–70 фоизгача пасайиб кетиши мумкин. Кураш чоралари. Эрта баҳорда ток новдалари ўз вақтида кўтариб боғланади. Қўнғиз инларини бузиб ташлаш мақсадида МПВ-1 (токзорлар тупроғига ишлов берувчи бир қаторли машина) ёки бошқа механизмлар ёрдамида туплар оралиғи тупроғига ишлов берилади. Ер бағирлатиб ўстирилган токзорлар ва сўрига кўтарилмаган ёш токзорлар атрофидаги майдон дориланади. Бу иш дастлабки қўнғизлар қишлов жойларидан чиққандан 3–4 кун ўтгач (10 м2 майдонда 2–3 та топилганда) бажарилади.

Препаратлардан ток мевахўри ва олма қуртига қарши тавсия этилганлари қўлланилади. Бензофосфат кукуни 1 гектарга 3–4 кг. ҳисобидан олтингугуртга қўшиб чанглатилса ҳам бўлади. Токнинг оидиум (ун шудринг, кул, шўра) касаллиги юртимиз шароитида кенг тарқалган. Токлар бу касалликдан ҳимоя қилинмаса, ҳосили 60–80 фоизгача ёки бутунлай нобуд бўлиши мумкин.

С.ЖЎРАЕВ,
А.ХАЙРУЛОВ,
А.ПАРДАЕВ,
Сурхондаё вилояти Ўсимликлар карантини инспекторлари.

ШОГИРДЛАР УСТОЗИСИЗ

(1октябрь— Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлайман).

Дунёни зир титратиб,
Темур туғ кўтарганда.
Устозига суянган,
Етти иқлим ҳукмдори.
Васият сўйлаб ҳой деди,
Вафот қилсам фонийдан.
Устоздан паст қўй деди,
Устоз улуғ ўзбекда.
Сиз улуғсиз сўз битта,
Ширин сўз устасисиз.
Шогирдлар устози сиз,
Устоз изи улуғдир.
Қадамлари қутлуғдир,
Нафаслари ўтлуғдир.
Устозга таъзим этмоқ,
Темурбекдан меросдир.
Шу улуғ тилакларим,
Дилдан чиққан бир ростдир.
Қуллуқ устозлар бари,
Омон бўлсин бошингиз.
Юздан ошсин ёшингиз,
Тўп-тўп тўйга буюрсин.
Ҳалол топган ошингиз,
Сизга қувват тилаб.
Зулайҳо ашёр битди,
Юртига тинчлик кутди.

Зулайҳо ИБРОҲИМОВА.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУБЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

«ҲАЙРОНДАРА»ДАГИ МАКТАБДА

Туманимизнинг “Ҳайрондара” маҳалласида туман халқ таълими бўлимига қарашли 34-мактаб бор. Мактабда салкам 800 нафар ўғил-қиз билим олади. Уларга 60 нафар ўқитувчи-педагоглар таълим-тарбия бериб келади.

Мактаб директори Баҳодир Қайнаров 2008 йилда ТерДУнинг бошланғич таълим факультетини тугатиб, 2009 йилга қадар шу мактабда ўқитувчи 2009 йилдан бошлаб эса мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб фаолият юритди. Баҳодир Қайнаровдаги ғайрат-шижоат, зиммасидаги вазифага бўлган масъулиятни сезган туман халқ таълими бўлими раҳбарияти 2016 йилда уни мактаб директорлигига тайинлади.

Раҳбарият адашмаганди. Ёш раҳбар бор билим ва салоҳиятини жамоа бошини қовуштириб, ўқитиш самарадорлигини ошириш чораларини кўрди. Айни пайтда мактаб ўқувчилари ўтказилаётган мусобақа ва беллашувларда ғолиблик қилмоқда. Бунда албатта мактаб директори ва аҳил жамоанинг хизмати беқиёс эканлигини таъкидлагимиз келди. Байрам муборак, азиз ўқитувчилар.

ҚУТУРИШ – ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Ветеринар огох этади

Қутуриш - ўткир кечувчи ўта хавфли зооантропаноз юқумли касаллик бўлиб, полиэнцефаломиелит билан характерланади. Касалликка барча турдаги иссиқ қонли ҳайвонлар ва паррандалар мойил ва у нейротроп вируслар томонидан қўзғатилади. Фақат бирон ҳайвон тишлаган вақтда сўлак жароҳатга тушиши туфайли ҳайвон ёки одам вирус билан зарарланади. Клиник белги пайдо бўлишидан бир кун олдин қутурган ҳайвон сўлагида вирус пайдо бўлади. Шунинг учун ит, мушук ёки ёввойи ҳайвон тишлаган ҳайвон ёки одам албатта антробик вакцина ва ушбу касалликка қарши глабулин олиши шарт. Касалликнинг яширин даври бир неча кундан бир йилгача ва ундан ошиқроқ, кўпроқ ҳолда 3-6 ҳафта давом этади. Унинг муддати ҳайвон ёшига,вирус кирган (ит тишлаган) жойини бош мияга яқинлигига, вируснинг вирулентлигига (чидамлилигига) ва миқдорига боғлиқ. Кечиши: Касалликка ўткир кечиш хос. Унинг 3 та шакли мавжуд. Шиддатли (асосан итларда), фалажли ва тинч. Касаллик шиддатли кечганда 3 босқичда кузатилади.

1. Бошланғич босқич: 12-72 соат давом этади. Итнинг хулқи ўзгаради, зиқ, гангиган, қоронғу жойни излайди, кўп яланади, овоздан қўрқади, қаттиқ ҳуради, йўқ пашшани ушламоқчи бўлади, иштаҳаси бузилади, латта, хас, ёғоч каби нарсаларни емоқчи бўлиб уларни ютишга ҳаракат қилади вирус кирган жой қичийди, сўлаги кўпаяди, ютиниши қийинлашади, хириллаб ҳуради ва агрессивлашади.

2. Асабийлашиш босқичи: ҳайвонларга, одамларга, эгасига ҳам ҳужум қилади, қуркув йўқолади, ҳамма нарсани тишлайверади, овози хириллайди, узоқларга қочади бу 2- 4 кун давом этиши мумкин.

3.Фалажлик босқичи: томоқда, пастки жағда, кейинги оёқларда, танада, ва сўнгра олдинги оёқларда кузатилади бу ҳам 1- 3 кунгача давом этиши мумкин.

Касаллик қайд этилган ферма, пода ёки аҳоли пунктдаги барча турдаги соғлом ҳайвонлар қутуриш касаллигига қарши рўйхат асосида антрабик вакцина билан эмланади. Тишланган ҳайвон 3 кун орасида антрабик вакцина билан эмланиши зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, мамлакатимизда қутуришга қарши кураш ва ундан инсонларни ҳимоялаш, ҳамма учун бажарилиши мажбурий бўлган ва юқорида кўрсатилган қонун-қоидалар асосида олиб борилиши зарур, бу кенг жамоатчиликнинг ҳушёр бўлишини тақозо этади.

Н.ХУДАЯРОВ,
Х.С.С ва озиқ -овқат хавфсизлиги бўйича мутахассис.

БОЛАНГИЗГА ЭРТАК АЙТИНГ

Онам айтиб аллалар,
Шахдам қадам бос, деди.
Аждодингга орият,
Мардлик жуда хос деди.

Болалигимни эслаганимда беихтиёр шу сатрлар тизилиб келади. Ақлимизни таний бошлаганимиздан ота-онамиз эртагу достонлар айтиб беришарди. Асрлар оша яшаб келаётган машҳур ўзбек эртакларининг деярли барчаси мардлик, паҳлавонликка,Ватан ва халқ тинчлиги, озодлиги, орномусини ҳимоя қилиш учун қаҳрамон, фидойи бўлишга ўргатади. Қиз болаларни эса иболи, ҳаёли, ақлли бўлишга ундайди. Ҳар гал уларни жон қулоғимиз билан тинглаб, қаҳрамонлар билан хаёлан саргузаштлар оламида учиб юрарканмиз, эртакни якунлаётган отам ёки онам “Ўғлим Алпомишдек паҳлавон бўл, Гўрўғлидек от сур, Фарҳоддек душман елкасини ерга теккиз дея таъкидларди.

Қадамингни ҳамиша шаҳдам бос, дея қалбидаги орзу ва ниятларини баён этгандек акамнинг елкасига қоқиб қўярди. Айримларга ўхшаб “олабужи келди, ялмоғиз кампир сени олиб кетади” деб қўрқитмасди.

Шу эртакларни тингларканман, улардаги қаҳрамонларнинг жасоратига ҳайратимиз,ҳавасимиз ошарди, ота-онамиз ўгитлари мақсад сари дадил қадам ташлашимизга, интилишга, доим меҳнат билан машғул бўлишга, яхшиликлар қилишга дўстларга ёндош, душманларга муросасиз бўлишга ундарди.

Муомала маданиятини, ҳаёни, катталарга ҳурмату кичикларга иззатда бўлишни ўргатди.

Бугун расталар, дўконларни айланиб, республикамиз нашриётларида чиққан чиройли, ранг-баранг китобларни кўздан кечирарканман, яна болалик йилларим ёдимга тушади. Энди уларни фарзандлар набиралар бирга ўқиркан уларни кузатаман. Болажонларнинг кўзлари чақнайди. Сўзларию ҳаракатларида ўктамлик улғайиб боради. Баъзида биз соатлаб тушунтириб, ўқитириб, талаб қилиб ҳам онгига етказолмаган мақсад, фикрни қай бир эртак ёки достон қаҳрамони боламизнинг ёш қалбига осонгина жо этиши мумкин.

Зеро, халқ оғзаки ижоди дурдоналари асрлар давомида донишмандлар, олимлар, устозу тарбиячиларнинг тили, дилидан ўтиб сайқалланган. Болаларни дунёни таний бошлаганидан эртаклар, уларнинг сермаъно олами, баҳодир ва доно қаҳрамонлари билан дўстлашгирайлик. “Ёшликда ўқигани — тошга ўйиб ёзгани” дейди халқимиз. Шундай экан, беғубор болажонлар қалбига эртаклар олами билан кириб борайлик. Улардаги маънавий бойликни-эртакдаги ажойиб қаҳрамонлар билан тўлдирайлик. Ўғилларингизга кўпроқ эртак ўқиб беринг, мард ва жасур бўлиб ўсади, қизлар эса иболи, ҳаёли бўлиб вояга етади.

Инобат ЭРГАШЕВА,
Олтинсой туманидаги 13-МТТ тарбиячиси.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 2022 ЙИЛДА

аҳолини рўйхатга олиш тартиби, моҳияти ва унинг истиқболлари

Ҳар қандай давлатнинг тарихи – бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади.

Аҳолини рўйхатга олиш якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади.

Қатор ҳолатларда аҳолини рўйхатга олиш – аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш–бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг кўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида алоҳида банд сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Ушбу долзарб масалаларни ҳал этиш ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги Фармони хамда “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси” тасдиқланди.

Ушбу Фармонда қуйидагилар назарда тутилган.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепцияси тасдиқланди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика ҳамда ҳудудий комиссиялар таркиби ҳамда уларнинг вазифалари белгиланди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси эса қуйидагиларни назарда тутади.

Биринчидан, аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг мақсади ва асосий вазифалари ёритилган.

Иккинчидан, тадбирни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари белгиланган.

Учинчидан, тадбирни ўтказишда иштирок этувчилар, вақтинчалик ходимларни ёллаш ва уларнинг вазифалари батафсил келтирилган.

Тўртинчидан, тадбирни ўтказишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш йўналишлари инобатга олинган.

Бешинчидан, тадбирни ўтказишни молиявий манбалари кўрсатилган.

Олтинчидан, тадбирдан кутилаётган натижалар ва бошқа ишларни амалга ошириш тушунтириб ўтилган.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича алоҳида ишлар жалб этилган пудрат ташкилотлари томонидан маҳсулотлар ва хизматлар сотиб олиш бўйича ўтказилган танлов асосида бажарилади, яъни: аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш; картографик материалларни чоп этиш; рўйхатга олиш материалларини чоп этиш; моддий-техник таъминлаш; рўйхатга олиш материалларини ташиш; технологиклойиха ишларини ўтказиш ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш; рўйхатга олиш варақалари маълумотларини киритиш, автоматлаштирилган ҳолда кайта ишлаш ва бошкалар.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга кўмаклашиш учун зарур ҳолларда қўшимча равишда бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар жалб этилиши мумкин.

Республикамизда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш бизга нима беради?

Биринчидан, маълум бир санада аҳолининг аниқ сони (ёши ва жинси таркиби, фуқаролиги, миллий таркиби (кенг қамровли), барча аҳоли пунктлари бўйича сони, оилавий аҳволи, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олинади.

Иккинчидан, аҳоли жон бошига макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда (ялпи ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, саноат махсулоти хажми, истеъмол маҳсулотлари ҳажми, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ишлатилади.

Учинчидан, аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Тўртинчидан, Республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот сифатида фойдаланилади.

Бешинчидан, статистика идоралари томонидан ташкил этиладиган танлама кузатувларни ташкил этишда маълумотлар базаси сифатида қўлланилади.

Олтинчидан, Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритишда хизмат қилади.

Еттинчидан, аҳоли пунктларининг инфратузилмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Саккизинчидан, Халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади ган таҳлиллар учун кенг камровли ахборотлар манбаи ҳисобланади.

Бундай маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариши, фан ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

М. ХЎЖАНОВ,
Олтинсой туман статистика бўлими етакчи мутахассиси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

МУАЛЛИМ – МАТОНАТ ТИМСОЛИ

(Боши 1-саҳифада).

Аҳрор РАҲМОНОВ — туман халқ таълими бўлимининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассиси:

А.Раҳмонов Президентимиз томонидан илгари сурилган вабугун ҳаётимиздан чуқур ўрин олаётган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак "деган тамойил асосида ўз хизмат вазифасини адо этиб келмоқда.

Халқимизнинг бир нақлида: "Сен одамларга бир йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, таълим-тарбия бер", дейилган. Шу боис қадимдан кишилар ўз зурриёдларини устоз қўлига топширар эканлар. "Эти сизники, суяги бизники" деб устозга нисбатан юксак ишонч билдиришган. Оламнинг гултожиси инсон бўлса улар орасида суюклиси устоз – муаллимдир. Устозлар ҳақида сўз кетганда беихтиёр беғубор болалигимиз, орзу – интилишларга тўла болалик йилларимиз, илк бора қўлимизга қалам тутқазган биринчи ўқитувчимиз кўз олдимизда гавдаланади.

Бизларнинг ҳар бир саволимизга чуқур эътибор ва босиқлик билан жавоб берувчи, элнинг назаридаги биринчи муаллим. Сизларга бугун қўлимизни кўксимизга қўйиб ташаккур айтамиз.

Эшонкул ҚУРБОНОВ — тумандаги 51-мактаб директори:

Э.Қурбонов 1997 йилда ТЕРДУнинг математика факультетини тугатиб, 51-мактабда математика фани ўқитувчиси, мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, 2003 йилдан буён мактаб жамоасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ҳаёт уммонида бамисли маёқ,
Йироқларга назар ташлар устозлар.
Содиқ шогирдларга бераркан сабоқ,
Доимо ҳақ йўлга бошлар устозлар.
Энг оғир дамларда вазминлик билан,
Сабр ила матонат дарсин ўтарлар.
Эзгулик сингдириб дилларга ҳар дам,
Келажакка тотли мева тутарлар.

Илҳом СИРОЖИДДИНОВ — тумандаги 49-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

И.Сирожиддинов ёш авлод тарбиясида маънавият муҳим аҳамият касб этишини яхши билади. Ота-онага, устозга, маҳалла-қўйдаги инсонларга ҳурмат ва иззатда бўлиш халқимизга хос қадрият эканлигини ёш авлод онгига сингдиришда хизматлари беқиёс.

Устоз қўлимизга қалам ушлатиб, хат-саводимизни чиқаришда, мактаб ҳаёти давомида илм чўққиларини эгаллашимизда, одамлар орасида муомала маданиятини ўрганишимизга кўмаклашади. Қалб тубидан жой беради ва ниҳоят парвоз қилишимизда бизга қанот бўлади. Ўқитувчи энг азиз касб эгаси сифатида замонлар оша катта ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлиб келган зотдир. У инсониятни фақат илм ва маърифат сари юксакликка кўтаражагини асрлар оша исбот этиб келаётган алломадир. Устозсиз шогирд – комил бўлиб балоғатга етмаганидек, ўқитувчисиз жамият ҳам кемтик бўлиб, ривожлана олмайди.

Халқ таълими тизими нафақат Президентимизнинг юксак эътибори ва ташаббуси билан моддий, балки илмий – услубий, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш, болалар спорти ҳамда мусиқа ва санъатни ривожлантириш борасида ҳам такомиллашиб бормоқда. Мақсад битта – баркамол авлодни тарбиялаш ва бу вазифани бевосита амалга оширадиган ўқитувчини улуғлаш, уларга етарли иш шароитларини яратишдир.

Мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди.

Бу давр тарихи минг йиллар билан ўлчанадиган миллат, жаҳонни лол қолдирган Амир Темур салтанати ҳақидаги чинакам тарихини тиклагани билан қадрлидир.

Зумрад МЕЛИҚУЛОВА — тумандаги 45-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

З.Меликулова бошланғич синф ўқитувчиси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилиб келмоқда. У учирма қилган собиқ ўқувчилар бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда. Ҳар гал улар Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрамида биринчи муаллимларини йўқлашади.

Бу давр дунё мамлакатлари орасида ўз сўзини айта олаётган ва жаҳон тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олаётган бугунги юртдошларимиз билан, янги бунёдкорлик ишлари билан муқаддасдир. Дунё харитасида «Янги Ўзбекистон» аталмиш мустақил диёрнинг пайдо бўлиши билан азиздир.

Равшан КАРИМОВ — тумандаги 54-мактабнинг математика фани ўқитувчиси:

Р.Каримов ўқувчиларда математика фанига қизиқиш уйғотиш, ақлни чархловчи ушбу фан билан ўқувчиларни ошно этишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. ҳар йили фан олимпиадаларида унинг ўқувчилари муносиб ўрин олиб келишмоқда.

Меҳрингиз-ла очмиш ҳаёт кўзини,
Мадҳ этмоққа шайдур бугун овозим.
Сизга ўхшатаман қуёш юзини,
Оддий муаллимим, азиз Устозим.
Қалби эзгуликка тўла, лиммолим,
Кўкка йўлладингиз - баланд парвозим.
Ҳамиша менга ёр Сиз берган таълим,
Отамдай улуғим - азиз Устозим.
Шеърият мулкига ошно этдингиз,
Китоблар қатига битилар розим.
Сиз-ки, борингизни фидо этдингиз,
Ҳар нафас ҳамдамим - азиз Устозим.
Ширин сўздан, нурли юздан ёруғ йўллар,
Чин меҳрдан, мурувватдан обод чўллар.
Шу зотларни, шогирдларин кўкка йўллар,
Лойиқ улар қанча ҳурмат-эъзозларга,
Бошлар эгиб, таъзим айланг Устозларга!

Қадрли устоз! Ҳаёт китобини очувчи Сизсиз. Яхши-ёмон кунларимизнинг кузатувчиси ҳам Сиз. Сизни кўриб шодланамиз. Юрагимиз, қалбимиз билан Сизга талпинамиз устоз!

Мабодо ҳаётда қоқилсак, хато қилиб қўйсак уларни тўлдирувчи, тузаттувчи, унутгувчи ҳам сизсиз, азиз, муаллим. Дарҳақиқат, устоз буюклар ичра буюк зот. Ўқитувчи – машъала. У ўзи ёниб, ўзгалар йўлини ёритишга умрини бағишлаган фидойи инсондир. Муаллим – матонат тимсоли. У меҳр – муҳаббат, эзгулик рамзи. Зеро, боланинг мурғак қалбига эзгулик уруғини қадаган, илмга ташналик, ота-она, Ватанга меҳр ҳиссини уйғотадиган инсон – ўқитувчидир.

Устозлар! Бугун сизларни қанча олқишласак, қанча шарафласак шунча оз! Сиз устозларнинг пойингизга гулдасталар сочиб, ҳурматлаб эъзозласак арзийди.

Сизларни улуғ айёмингиз билан яна бир бор муборакбод этамиз.

Барча илмларнинг калити сизда,
Саховат нури бор – бу қалбингизда.
Отасиз, онасиз, ҳар ўғил – қизга,
Устозим, устозим, Сизга минг таъзим.

"Халқ ва ҳаёт" газетаси жамоаси.

Замира ҚУЛМУРОДОВА — 1980 йилда "Жилибулоқ" маҳалласида таваллуд топган. Маълумоти олий, Термиз Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. 2007 йилдан 2013 йилга қадар мактабда тарих фанидан болаларга сабоқ берган. Айни пайтда тумандаги 3-сонли МТМда мудира лавозимида фаолият юритмоқда:

— Инсон қалбига йўл таълим ва тарбиядан бошланади, дейишади.

Айни пайтда янгиланаётган Ўзбекистонимизда таълим-тарбияга эътибор ҳар қачонгидан кўра кучлироқ қаратилмоқда. Ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнати юксак даражада қадрланаётганлиги, уларнинг ойлик маошлари сезиларли даражада оширилганлиги, мактабгача таълим муассасаларининг кўпайтирилаётганлиги биз мураббийларни руҳлантириб, ўз касбимизга янада кўпроқ меҳр қўйишга ундамоқда.

Мен раҳбарлик қилаётган масканда 28 нафар тарбиячи мураббийлар халқимизнинг 185 нафар фарзандларига тарбия бериб келмоқда. Биз кичкинтойларнинг билимдон, одобли, соғлом ва руҳан тетик бўлиб вояга етишлари йўлида бор билим ва маҳоратимизни аямаймиз.

Мен фурсатдан фойдаланиб, туманимиздаги барча МТМларнинг тарбиячи мураббийларини, қолаверса барча ўқитувчи устозларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан қизғин табриклайман.

Гуласал НОМОЗОВА — 1960 йилда "Мармин" маҳалласида тугилган. Маълумоти олий, 1992 йилда Термиз Давлат университетини битирган. У 2001 йилдан бошлаб тумандаги 8-сонли МТМда мудира лавозимида ишлаяпти:

— Дунёда касблар кўп. Ўқитувчилик ва мураббийлик менинг назаримда барча касбларнинг бошида турадиган сарбонга ўхшайди. Чунки барча касб эгалари ана шу меҳрибон ва жонкуяр устозлар сабоғи туфайли ўзлигини англайди, оламни ўрганади, яхши-ёмонни, оқ-қорани фарқлайди.

Мен мураббийлик касбини танлаганимдан фахрланаман. Ям-яшил новда каби мурғак қалбнинг кундан кунга таассуротларга, билимга, кўникмаларга эга бўлиб бораётганини кузатиш бу йўлдаги заҳматларимизни оқлайди.

2019 йилда мен раҳбарлик қилаётган 8-сонли МТМ биноси давлат дастури бўйича замонавий тарзда янгидан қурилди. 20 та кенг ва шинам хоналардан иборат маскан кўрган кўзни қувонтиради. Маҳалладаги 30 нафар болажонлар бу ерда тарбияланмоқда.

Робия МЕНГТЎРАЕВА — 1962 йилда «Сайрак» маҳалласида туғилган. Маълумоти олий, Термиз Давлат университетини тамомлаган. Айни пайтда тумандаги 2-сонли МТМ мудири вазифасида ишламоқда:

— Мамлакатимизда 1 октябрь санаси – ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши Мустақиллик бизга берган буюк неъматлардан бири деб биламиз.

БОЛА КУЛГУСИ ДУНЁНИ ТУТСИН

Дунёда камдан кам учрайдиган бундай байрамнинг таъсис этилиши, биринчи навбатда маънавий юксалишнинг гарови бўлган зиёлиларга, жонкуяр ўқитувчи ва муаллимларга, устоз ва мураббийларга чуқур ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, баркамол, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган этиб тарбиялаш бизнинг заҳматли, машаққатли, шу билан бирга шарафли вазифамиз эканлигини тўғри тушунамиз

Бу борада ҳам тажрибаси, билими ва меҳнатини аямасдан фаолият олиб бораётган барча ҳамкасбларимизни байрам билан қутлаймиз.

Наргиза ҚУЛМУРОДОВА — 1982 йилда "Жилибулоқ" маҳалласида таваллуд топган. 2004 йилда Термиз Давлат университетининг бошланғич таълим факультетини тугатган. У 2004-2013 йилларда тумандаги 6-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 2013 йилдан бошлаб тумандаги 6-сонли МТМга мудирлик қилмоқда. Бу масканда 240 нафар болалар тарбияланаяпти:

— Халқимиз - болажон халқ. Фарзандларимнинг келажаги, камолоти, эзгулигини кўрайин деб яшайди. Бу йўлда фидокорлик кўрсатади.

Бугунги кунда юртимизда кечаётган ислоҳотларни кўриб, ҳар қандай ота-она ўз фарзандининг келажагидан кўнгли тўқ бўлмоқда. Янгидан янги қурилаётган МТМлар, мактаб ва олийгоҳлар ёш авлоднинг келгусида комил инсонлар бўлиб етишуви йўлидаги саъй ҳаракатлардир. Булар албатта ўзининг сархил меваларини беради.

Таълим-тарбияга, устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик Ватанимизнинг эртанги куни порлоқ эканлигидан дарак беради.

МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ОНАЛАРГА ОЛДИНДАН АЁН БЎЛАДИ

У университетнинг учинчи босқичида ўқиётган йили ўқиши ора йўлда қолди. Йигитлик бурчини ўташ учун Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилди. Шундай бўлса-да Нормурод ўзини ўзи овутди, кўнглини кўтарди.

«Қайтанга яхши бўлди. Орада ташвишлардан сал чалғийман. Кундуз кунлари иш, кечқурун ўқиш. Тағин бунинг устига бетиним мутолаалардан озроқ бўлса-да четланаман. Янаям келгусида ошналарим, ёр-дўстларимдан «У армия кўрмаган" деган таъна дашномларни эшитмайман. Танамни чиниқтираман. Истаганча жисмоний тарбия билан шуғулланаман». Хизмат чеки Украинага тушди.

Аксига олгандай бўлиб шу йилларда бу ерда об-ҳаво кутилганидан совуқ келди. Қишдан бир амаллаб қутулган жойида баҳор билан ёз ҳам қасдма қасдига олгандай иссиқ бўлди. Шундай пайтлари Сурхондарёнинг истеъдодли шоири Теша Саидалиевнинг "Термизданман,
Эшитганман,
Тухум пишар эмиш кун иссиғида" деган сатрлари ёдига келади.

Бу шеърни у шоирнинг "Гавҳар" шеърий тўпламидан ёд олганди.

Тўғриси, Нормурод онасини ҳарқанча яхши кўриб, қаердан келса манглайидан ўпиб кўришса-да, хизматнинг биринчи йили тушига ҳеч кирмади. Отаси эса кўп кирарди. Ҳамиша куюнчак бир тарзда суратланарди.

Отасининг табиати шундай бўлгани учун бу тушларга ўрганиб қолган, ўрганиб қолгани туфайли эса деярли ташвишланмасди.

Шунда қиш оёқлаб қолган бўлса-да, кунлар ҳамон совуқ эди. Музни тепсанг, оёққа темирдай оғир ботар, аммо сира-сира парчаланиб бўлиниб кетмасди.

Кундуз кунлари бир тутам, тунлар йилдай узун бўлса-да, аскарларга бу йилдай сезилмасди. То тун ярмигача турли хил юмушлар билан улар узун кечани қисқартишар, кам ухлашга интилишарди. Нормуродда ғалати тушуниксиз яна бир феъл бор. У донг қотиб бу дунёдан хайрлашгандай бўлиб ухлай олмасди. Доимо сергак ётиб, сергак туради. Шунинг учун Зубайда опа ўғлининг бу одатини қуш уйқусига ўхшатарди.

Аммо у шунда жуда қаттиқ ухлаган экан. Уйқунинг кучи жисму жонини буткул эгаллаган эди.

Туш кўрди.

Тушида онаси, негадир чеҳраси бесаранжомроқ кўринарди. У пахтадай юмшоқ ва ёқимли қўллари билан Нормуроднинг юзларини силарди. Бундан роҳатланаётган ўғил бўлса, «Энамдан, ўзимнинг энажонимдан» дегандай бағрига отилди.

Онаси ўғлининг манглайини силай- силай деди. "Нор, сен қўрқма, ҳечам қўрқма, сени Омон бобожонингнинг пирлари қўллайди".

Онасининг шу "Нор, сен қўрқма, ҳечам қўрқма, сени бобожонингнинг пирлари қўллайди" деган гаплари уни кўп хавотир ва ташвишга солиб қўйди.

У суриб ўзини ўзи сўроқлайди:

-Онажоним нега бундай деди. Юзлари ташвишмонанд...

Кейин эса ўзини ўзи овутиб:

-Тушга нималар кирмайди. У бир тушда, хаёл-да, - дея фикрланди. Туш таассуротини ёддан чиқаришга ҳаракат қила бошлади.

Аммо бунинг уддасидан чиқа олмасди.

Нотинч ўтган тўртинчи куни тушдаги гаплар ҳаётийланди. Аввалларидек тушга айтарли ишонмайдиган йигит тушга қаттиқ ишонадиган бўлиб қолди.

Ётиш олдидан «Э, Аллоҳ, мени бу кеча уйқумда яхши, ширин тушлар билан сийлагин» дея тиловат билан ёстиққа бош қўйишни одат қилиб олди.

Хуллас туш кўришнинг тўртинчи кунида уларнинг қисмини ўрмонга олиб кетишаётганди.

Ёшлик беадад тошқинлик, куч-қудрат, адоси йўқ шиддат фасли-да. Кун совуқ, тўғридан гупиллатиб изғирин шамол лопиллаб турган бўлса-да, йигитлар "Победа" қўшиғини бошлади. Жанговар ва жасур руҳдаги бу қўшиқни Нормурод дил-дилдан севар, баъзи пайтлари кўча-кўйда хиргойи қилиб ҳам юрарди. Шунинг учун қўшиққа жон-жаҳди билан берилиб қўшилди.

Унинг борлигини қўшиқ қудрати буткул ўзига асир айлаганди. Шунда кутилмаганда машина "тақ" этиб нимагадир урилиб, борлиқ остин-устун бўлиб кетди.

Одамнинг қудратли онги, мияси буни идрок этгунча, ақлдан айрилиш ҳеч гап эмасди.

Нормуродни қандайдир қудратли куч худди кесак мисоли машина бортидан кўчага отиб юборгандай бўлди.

Ўнгланиб бундай қараса, йўл четидаги қор уюми устида ётибди. Кўпчиликнинг оёқ- қўллари синган, юзларини қип- қизил қон кўринарди.

Нарироқдан таниш овоз эшитилди. Бу рус йигити Сашанинг овози эди:

-Қойил, командир, қойил. Командирлигингга бординг. Ҳеч бир жойингга шикаст етмаганига қара.

Чиндан ҳам командир Нормуродни Аллоҳ аягандек эди.

Шунда Нормуроднинг кўз олдида онасининг чиройли чеҳраси янада чиройли бўлиб намоёнланди.

Намоёнланган чеҳрага меҳр-ла қараб деди:

-Энажон, мени ҳамиша аяб, ҳамиша суяб, огоҳлантириб туринг. Сизни шундай соғиндимки, айтгулиги йўқ. Гўё чўл баҳорни соғингандай соғиндим.

Жўра ҚОДИРОВ.
(Давоми бор).

Олтинсой туман Хўжалик ҳисобидаги дезенфекция станциясига тегишли айлана муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтинсой тумани «Вахшивор» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамидов Акрамжон Мусурман ўғлига 2007 йил 4 январда Олтинсой Мудофаа ишлари бўлими томонидан берилган В № 0132355 рақамли ҳарбий гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтинсой туманида яшовчи фуқаро Нурсоатов Сардорбек Шукралиевичга Олтинсой Транспорт касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йилда берилган К № 3006435 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтинсой туман "Ҳайрондара" маҳалласида яшовчи фуқаро Саидов Алижон Ахмедовичга 34- умумтаълим мактаби томонидан 1995 ўқув йилида берилган АО № 096778 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Денов туманида фаолият юритаётган "SHAXRIYOR OMADLI BIZNES" МЧЖга тегишли бир дона айлана муҳр ва бир дона тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС: Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Бош муҳаррир: ТЕМИРОВ НОРМУРОД ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ
Таҳририят манзили: 190700 Олтинсой туман, Амир Темур кўчаси, 5-уй.
Тел: (91) 906-66-83, (0376) 47-75 755

Газета Сурхондарё вилоят Матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасида № 11-072 рақам билан 2017 йил 7 августда қайта рўйхатга олинган.

Газета «Халқ ва ҳаёт» газетаси таҳририятида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи: О.СОДИҚОВ
Саҳифаловчи: Ҳафиза ҚУЛАНОВА
Нашр кўрсаткичи 822.

Сотувда эркин нархда.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета «Денов босмахонаси» МЧЖда А-2 ҳажмда 3300 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-283
Топшириш вақти 09:00, топширилди 09:00да.
Босмахона манзили: Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 247-уй.